

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
12 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 99 (13152)

www.thtp.uz



МЕҲМОН БЎЛИБ КЕЛИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА...

■ Обод манзиллар

Бугун Чиноз туманидаги "Тонг юлдузи" маҳалла фуқаролари йиғини бутунлай ўзгача қиёфа касб этган. "Обод қишлоқ" давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маҳалла йўллари асфальтланди, янги тураржой бинолари барпо этилди. Маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини эса, аввало, гузаллик ва ободликдан бошланади. Зеро, бугун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, азму шижоати ҳаётимизга фаровонлик, турмушимизга янгича мазмун ва моҳият бахш этмоқда.

Қишлоқни ободонлаштириш жараёнида бу ерда асосан тожик миллатига мансуб фуқаролар яшаши инobatта олиниб, ўзбек ва тожик халқларининг урф-одатлари ва анъаналари яққол акс эттиришга ҳаракат қилинди. Энг гузал бинода ўзбек-тожик маданият маркази жойлаштирилди. Унинг ишга туширилиши кўпчиликни ҳушнуд этди. Бу ердаги кутубхонада ўзбек ва тожик муомтоз адабиёти дурдоналари билан бир қаторда замонадош ёзуви ва шоирларнинг асарлари жамланган. Ўқув ва анжуманлар зали, тиббиёт хонаси, замонавий анжом ва асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Тинчлик, Ободлик, Ёшлик кўчаларига 2 километр асфальт, 1 километр лоток ётқизилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Қишлоқдаги 47-сонли умумтаълим мактаби тўлиқ қайта таъмирланди. 180 ўринли қўшимча бино қурилди. Янги спорт залида болалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. 8-сонли мактабгача таълим муассасаси эса бутунлай янгидан барпо этилди. 60 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси барча замонавий талабларга жавоб беради. Эътиборлиси шундаки, ҳар икки муассасада ҳам таълим-тарбия ўзбек ва тожик тилларида олиб борилаётти.

Барпо этилган спорт майдончасида болаларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шароитлар бор. Янги тўғарақлар фаолият бошлади. Боғ ва гулзорлар ташкил этилди. 28 та хонадонда уй тўйлари бўлиб ўтди. 120 ишчи

ўринга мўлжалланган мўъжазгина текстиль фабрикаси ишга туширилди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари туман марказининг филиали очилди. Хуллас калом, Тожиқовул том маънода "Тонг юлдузи"га айланди.

Янгидан чирой очган ҳудуднинг рамзий очилишига бағишланган маросимда сўз олганлар қайд этишганидек, қишлоқ жойлардаги бу каби хайрли ишлар, янгиланишлар одамлар кўнглида хушай-фият уйғотмоқда, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, ҳаётдан рози қилмоқда.

Дарҳақиқат, ободлик кўнгилдан бошланади. Эзгуликка дахлдорлик ҳисси, бунёдкорлик иш-тиёқи эса юрт тараққиётига хизмат қилади. Бугун мамлакатимизнинг тобора гуллаб-яшнаб, раванқ топиб бораётганини кўриб, бунга яна бир қарра амин бўламиз.

Ўз муҳбиримиз

М. ХИММАТОВ ва Р. ГАЛИЕВ олган суратлар

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Кўп йиллик фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини янги босқичга кўтариш ва уни комплекс модернизация қилиш, соҳага инновацион технологиялар, замонавий илм-фан ютуқларини, кластер тизимини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барча турдаги қишлоқ хўжалиги эканларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириб, эл-юрт фаровонлигини юксалтириш, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси, аграр секторда ислохотларни, давлат дастурларини муваффақиятли амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

"Меҳнат шухрати" ордени билан
Хатамов Абдували – Бекобод тумани ветеринария бўлими катта ветеринари

"Дўстлик" ордени билан
Кучкаров Жумабай – Тошкент давлат аграр университети деҳқончилик ва мелiorация кафедраси доценти

Насибуллина Фарида Рафиковна – Юқори Чирчиқ туманидаги "Олтинкўз дурдонаси" масъулияти чекланган жамияти биологатория мудири

"Шухрат" медали билан
Рихсиева Гулнора Миромимовна – Паркент туманидаги "Замона Раъно" масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори

Сайдахметов Олимхўжа Хамитович – Чиноз туманидаги "Саидхметов Хамид" фермер хўжалиги бошлиғи

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»ДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018-2020 йилларда "Ўзметкомбинат" АЖНИ ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ комбинатда "Ферросиликомарганец ишлаб чиқариш ташкил этиш" инвестицион лойиҳаси амалга оширилди.

Бу ҳақда ЎзА хабар беради: 2

Солиқ концепцияси:

Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимиз солиқ тизимида янги тартиб жорий этилмоқда.

■ Хабарингиз борми?

Хусусан, Концепцияда солиққа тортиш тизимини тубдан ислох этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш билан боғлиқ бир қатор йўналишлар кўзда тутилган.

Хўш, киритилаётган ўзгаришлар бево-

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРАДИ, ТАДБИРКОРЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ

сита қайси солиқ турларига тааллуқли, умуман, ушбу Концепциянинг асосий моҳияти нималарда кўринади?

Биз Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг давлат солиқ бош инспектори Комил САИДОВдан солиқ тизимида амалиётга киритилиши режалаштирилаётган ўзгаришларни шарҳлаб беришни сўрадик.

– Аввало, шунинг таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда республикада иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлан-

"Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-торожликни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инкйрозга учрайди".
Сунъ Цзи

тиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғини бўлган солиқ соҳасини ислох этишга қаратилган кенг кўламли йўналишларнинг амалга оширилиши ҳам назарда тутилган.

Давоми 2-бетда ➡

Эътибор

Вилоят ҳокимлигида Президентимизнинг 2018 йил 8 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ давлатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлганларга мазкур мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

ДЕҲҚОНИНИ АРДОҚЛАГАН ЮРТ



Тадбирда вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Анжуманда таъкидланганидек, кейинги йилларда соҳа меҳнаткашларининг юртимиз ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари қадрланиб, муносиб рағбатлантирилаётти.

Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йилдан махсус қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини касб байрами сифатида нишонлана бошлагани заҳматкаш бободоҳқонларимизга бўлган ҳурмат ва эътиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар изчиллик ва мунтазамлик касб этиб, соҳада тўпланиб қолган муаммо ва масалаларнинг ечими бўйича аниқ дастур ва режалар асосида тизимли ишлар олиб борилаётти.

Қабул қилинаётган фармон ва қарорларда биринчи навбатда, қишлоқ мулкдорлари, оддий томорқачидан тортиб, кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарлари учун барча йўллар кенг очилаётти, деҳқоннинг бири икки бўлаётти, халқ тили билан айтганда, қосаси оқараяпти. Соҳада яратилган муқаммал тизим туфайли деҳқоннинг ўз меҳнатидан кўрадиган манфаатига ишончи ортди. Унда меҳнатда муносабат тубдан ўзгарди, эгаллик ҳисси уйғонди.

Бунини вилоятимиз ғаллакорларининг Ватанимиз хирмонида 345 минг 466 тонна сара дон етказиб бериб, шартномавий режани анча ортиғи билан бажарганлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Тадбирда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Бо-

шоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа раванқига тўғоноқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш ва уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришга қаратилгани ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, қарорда давлат хариди учун бошоқли дон етиштириш бўйича амалдаги тартибдан мутлақо фарқ қиладиган янги тизим ва механизмлар жорий этилиши назарда тутилгани унинг тарихий аҳамият касб этишидан далolat беради.

Яна бир муҳим янгилик – 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларида ҳосилдорликка қараб коэффициентлар қўллаш тартиби киритилганидир.

Қарорга мувофиқ, етиштирилган буғдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 миллион 200 минг сўм ёки жорий йилдагига нисбатан 1,6 баробар юқори даражада белгиланди, бу эса табиийки, маҳсулот етиштирувчиларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат хариди учун етиштирилган маҳсулотларни табақалаштирилган нархларда, яъни устама ва чегирмалар қўлланган ҳолда сотиб олиш тартиби жорий қилинади. Бошқача қилиб айтганда, етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган ғалла харид нархига 25 фоизгача устама ёки чегирма қўлланилади.

Давоми 2-бетда ➡

2019
йил учун

Тошкент
Ҳақиқати
газетасига
обуна
давом этмоқда!

Галла етиштириш харажатларини молиялаштириш тизимини ҳам такомиллаштириш назарда тутилган. Агар амалдаги тартибга кўра, имтиёзли кредит давлат хариди учун еткази-

ми томонидан тантанали тарзда топширилди.

Байрамнинг ҳақиқий эгалари – фермерлар, миришкор деҳқонлар, пиллакору механизаторлар, томорқа ер эгалари, шу-

берилган алоҳида эътибор, деб биламан. Бир вақтлар пахта ва галладан тушган пулларни ўзимиз назорат қилиб, эмин-эркин ишлата олмасдик. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари-

қаратаётган эътиборидан, деб биламан.

Севара ФАРМОНОВА, бўқалик пиллакор:
– Яқунланаётган йилда пиллачиликда ҳам катта янгилик ва

– Бугун жаҳон бозорларида диёримизда етиштирилган мева-салатларимизга талаб жуда юқори. Сабаби, мамлакатимизда бодорчилик йўналишида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, мева-сабзавот экспорти билан шуғулланувчиларга яратилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли хорижий валюта келиши кўпаймоқда.

Жорий йил фермер хўжалиғимиз учун баракали ва омадли бўлди. Ҳосилдорлик салмоқли, даромад ҳам шунга яраша ошди. "Даромадга қараб, буромад" деганларидек, чет элдан замонавий техникалар сотиб олдик. Энди фаолиятимизни янада ривожлантириб, Ўзбекистон мевалари мазасини бутун дунёда татиб кўришларига эришмоқчимиз. Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи ходимларига йўллаган табрикларини эшитиб, жуда қувондик. "Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг!" деган сўзларидан бошимиз кўкка етди.

Тантанали тадбир Нурафшон шаҳридаги "Дўстлик" маросимлар уйида ташкил этилган байрам дастурхони атрофидаги катта концерт дастурига уланган кетди. Концертда эл ардоғидаги санъаткорлар ва эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Абдусалим МАҲМУДОВ, Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Тиббиёт

Мамлакатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизими олдида долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қўётгани соҳани ислоҳ қилишнинг янги имкониятлари сари йўл очмоқда. Вилоятимиз туман ва шаҳарларида ҳам ушбу вазифаларнинг ижроси борасида кўламли ишлар олиб борилаётир.

ЗАМОНАВИЙЛИК — ТИББИЁТНИНГ БУГУНГИ ТАЛАБИ

Хусусан, Бекобод туманида инвестиция дастури доирасида тиббиёт бирлашмаси марказий биносини таъмирлаш ва реконструкция қилиш жадал олиб боришмоқда. "Садақайрағоч" МЧЖ қурувчилари томонидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 7 млрд. 800 млн. сўмлик маблағ ажратилган бўлиб, ани кунларда мажбурий бино фойдаланишга топширилиши арасида. Айна марказий шифохона ҳудудида 60 ўринга мўлжалланган замонавий типдаги "Болалар бўлими"нинг бутунлай қайтадан таъмирланиб, иш фаолиятини бошлаб юборгани эътиборга молик.

Айтиш лозимки, тиббиёт бирлашмасида беморларга малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш энг муҳим вазифа. Шунинг учун ҳар қандай шифохона малакали кадрлар билан таъминлаш учун жорий йилнинг ўзида 50 нафар шифокор малака ошириш курсларини тугаллаб келиши. Шунингдек, 148 нафар ҳамшира ва фельдшерлар ҳам қайта тайёрлов курсларидан ўтишди. Эътиборли томони, тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олаётган талабалар билан шартнома тузилиб, улар бир вақтнинг ўзида амалиётларини ҳам шу ерда ўташапти.

– Дунё тиббиёти жуда илгариллаб кетган ҳозирги кунда замонавий инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадида бирлашма тиббиёт ходимларини қайта ўқув курсларига юбориб турибмиз, – дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Улуғбек Абдуғаниев. – Яқинда шифохонамизнинг асосий биноси капитал реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилади. Янги йилдан бошлаб шифохонамиз янги технологиялар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланади. Бу эса, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилайди.

Шунингдек, "Обод қишлоқ" дастури доирасида Ойбек номи маҳалла ҳудудида жойлашган 1-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган ҳам муҳим воқеа бўлди. Ушбу мақсадлар учун 403 миллион сўм маблағ сарфланди. Албатта, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар жуда кўп. Жумладан, инвестиция дастурига биноан тумандаги 2-, 3- ва 5-қишлоқ оилавий поликлиникалари 2019 йилда капитал таъмирланиши керак. Бундан ташқари, туман марказий шифохонасига қарашли туғруқхонанинг иситиш қозонларини капитал таъмирлаш ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ашуралли БОЙМУРДОВ

ДЕҲҚОНИНИ АРДОҚЛАГАН ЮРТ

зиб бериладиган бошқоқ дон қийматининг 60 фоизгача ажратибли келинган бўлса, янги тартибда 100 фоизгача берилади.

Ўз навбатида, миришкорларимиз бундай эътиборга жавобан ҳамда ушбу қарор ижросини сўзсиз таъминлаш ва етиштирилаётган бошқоқ дон экинлари ҳосилдорлигини ва ўз даромадларини ошириш учун зарур агротехник тадбирларни оби-тобида ўтказишлари керак. Дала ва ариқ четларини ҳашарот ҳамда касалликлар қишлаши учун шароит яратадиган хас ва бошқа бегона ўтлардан тозалаш, галла май-донларини азотли ўғитлар билан озиклантиришни яқунлаш, пешма-пеш маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида сугоришга янада кўпроқ эътибор қаратишлари зарур.

Маросимда Президентимиз фармонида мувофиқ давлатимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлган аграр соҳа ходимларининг бир гуруҳига мукофотлар вилоят ҳоки-



нингдек, қишлоқ хўжалиғига алоқадор барчанинг юзида шукроналик ва байрам шукҳи сезилиб турди. Соҳа фидойиларининг дил сўзлари билан қизикдик.

Олимхўжа САЙДАҲМЕДОВ, Чиноз туманидаги "Сайдахмедов Ҳамид" фермер хўжалиғи раҳбари, "Шухрат" медалли соҳиб:
– Қишлоқ хўжалиғи тизимини меҳнат қилаётганимга 40 йилдан ошди. Пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиғимизни 2006 йили ташкил қилганимиз. Бу мукофотни жамоамиз меҳнатига

нику ниҳоятда сарсонгарчилиқда олар эдик. Худога шукр, у замонлар ортда қолиб, мана энди ўз маблагимизга ўзимиз хўжайинмиз. Бизга кўрсатилган эътибор, яратилаётган имтиёз ва имкониятлар қаддимизни кўтаргани рост. Бу йил галладан шартномавий мажбуриятимиз 95 тонна эди, 25 тонна орғи билан топширдик. Ўзимизга 70 тонна қолди. Хисоб-китоб қилиб кўрсак, пахтадан 100 миллион сўм, галладан 120 миллион сўм даромад олибмиз. Бу, албатта, кейинги йилларда давлатимизнинг фермерликни ривожлантиришга

ўзгаришлар бўлди. Тан олиш кераки, бир муддат соҳага бўлган эътибор сусайиб, қумуш толаннинг қадри анча пасайиб кетган эди. Юртбошимизнинг соҳани янада ривожлантириш борасидаги қарорлари пиллакорлар учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берди. Масалан, жорий йилдан бошлаб, касаначиларга меҳнат дафтарчаси очилиб, бир мавсумдаги фаолият, бир йиллик иш стажига тенглаштирилгани пилла бокучилар сафининг кенгайишига сабаб бўлди. Ўзим узоқ йиллардан бери ипак курти парваришлайман, лекин бунақа имтиёзлар бўлмаганди. Шунингдек, пиллакорлар манфаатдорлиғи ҳам ошди. Мавсум бошланмасидан олдин, аванс пуллари берилди, етиштирган толаримиз қиммат нархларда сотиб олинди. Бу йил бир ўзим 4 қути ипак курти боқиб, давлатга 250 килограмм маҳсулот топширдим. Келаси йили пилла етиштиришни янада кўпайтиришни ният қилганман.

Қаҳрамон ИЛҲОМБЕКОВ, Юқори Чирчиқ туманидаги "Есо agro product" фермер хўжалиғи раҳбари:

Бошланғичи 1-бетда

АБДУЖАМОЛ ТАДБИРКОР БЎЛДИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, бандлигини таъминлаш ва янги иш жойлари очиларида кўмак бериш мақсадида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлат дастури – амалда

Дастур асосида барча туман ва шаҳарларда "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси ташкил этилгани тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Чиноз туманидаги "Эски Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган "Абдуҷамол мебеллар уйи" хусусий корхонаси ҳам ана шу дастур маҳсули.




– Жамғармага тақдим этган бизнес-лойиҳа маъқулланиб, банкдан 337 миллион сўмлик кредит ажратилди, – дейди ёш тадбиркор Абдуҷамол Чиннибеков. – Бу пулга меҳнат ишлаб чиқаришда қўл келадиган сўнгги русумдаги ускуна сотиб олдик. Унинг ёрдамида ёғочга "Ровер" уймакорлик услубида безак бераёلمиз. Мебелларимиз чидамлилиги, сифатининг яхшилиғи, замонавий услубда ишлаб чиқарилаётгани билан хорижикидан қолишмайди. Нархлари ҳам ҳамёнбоп. Маҳсулотларимизни шартнома асосида кредитга беришни ҳам йўлга қўйдик. Ёш тадбиркорнинг изланувчанлиги ва дунё брендларини кузатиб бориши туфайли, қисқа фурсатда корхонада "Роза", "Лола", "Изабелла", "Идеал", "Кординал", "Корона" русумидаги турли замонавий дизайнли ётоқ мебеллари, "Шоҳ", "Нихол" каби меҳмонхона учун мўлжалланган тўпламларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, ошхона учун мўлжалланган ҳамда бошлар ётоқ мебеллари, миллий дизайнли сандиқ ва қутилар ҳам тайёрланмоқда.

Корхонани айланар эканмиз, ёшларнинг ашула хиргойи қилиб, кўтаринки кайфиятда ишлаётганларидан ҳаётдан мамун эканликларини сездик. Дарвоқе, улар ойма-ой ўртача 1 миллион 500 минг сўмгачага маош олишмоқда. Энг асосийси, 11 нафар ишчи-хотимнинг барчаси касб-ҳунар коллежларини битирган маҳаллий йигит-қизлар.

Раъно ХОЛИҚОВА

Бошланғичи 1-бетда

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»ДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



раиси К. Тошматов сўзга чиқиб, барпо этилган цехнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбирда ушбу лойиҳани амалга оширишга ҳисса қўшган "Posko Daewoo Corporation" ва "SAC" компаниялари вакиллари, металлургия комбинат бошқаруви томонидан тақдирланди.

Лойиҳа асосида ҳозирнинг ўзида 125 киши иш билан таъмин-

нец ишлаб чиқариш печи энг замонавий автомат бошқарув тизими билан жиҳозланган бўлиб, ҳар ойда 800 тоннадан кам

си комбинат, 1 минг тоннаси республика эҳтиёжи учун ишлатилади, 3 минг тоннаси эса экспортга йўналтирилади.

"Ўзметкомбинат" АЖ
ахборот хизмати
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

та рақамлар таҳлилида киритилган ўзгаришларни кўриб чиқамиз.

Концепцияга мувофиқ, киритилаётган ҳамда қўлчиллик фуқароларимизни қизиқтираётган эътиборли ўзгариш шуки, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даро-

ма даромадларидан олинадиган солиқ хисоб-китобини амалга оширишда бир қатор мураккабликларни келтириб чиқарар, ишчи-хизматчиларнинг ўзлари эса, амалда ойлик иш ҳақларидан олинаётган даромад солиғини деярли таҳлил эта олмас эдилар.

Таъкидланганидек, келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб, юқориди барча шкалалар орқали да-

Солиқ концепцияси:

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРАДИ, ТАДБИРКОРЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ

мад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорига белгиланмоқда. Шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобларига йўналтирилади. Шунингдек, кичик бизнес учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилади.

Ушбу янгилик юзасидан шуни айтиб ўтиш кераки, амалдаги тартибга кўра илгари жисмоний шахсларнинг даромадлари тўрт погонли шкала билан солиққа тортилар эди. Яъни, олинадиган даромад солиғи ставкалари ходимнинг ойлик маоши энг кам иш ҳақининг бир баробарига бўлганда 0 фоиз, энг кам иш ҳақининг бирдан беш баробарига бўлганда 7,5 фоиз, бешдан ўнгача бўлганда 16,5 фоиз ва ўн баробардан ошганда 22,5 фоизни ташкил этар эди. Табиийки, бу корхона ва тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерлари учун жисмоний шахс-

ромад солиғини ҳисоблаш тартиби бекор бўлади. Корхона ва ташкилотларда қанча миқдорда ойлик иш ҳақи олишидан қатъи назар, барча фуқаролар учун даромад солиғининг ягона 12 фоизлик ставкаси қўлланилади.

Концепцияга кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юқини камайтиришнинг тадбирларидан яна бири, бу – йирик корхоналар учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизгача камайтирилиши бўлди. Эслатиб ўтиш жоизки, бу қоида бюджет ташкилотлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар учун татбиқ этилмайд.

Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан



1 миллион 680 минг сўм ойлик олишни бошлайди. Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб фойда солиғи тўловчиларга солиқ юқини камайтириш, инвестициялар миқдорини ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсади-

Хулоса қилиб айтганда, солиқ тизимида жорий этилаётган бундай ўзгаришлар аҳоли даромадларининг ошишига, фуқароларнинг турмуш даражаси яхшиланишига, бизнес юритиш соҳаси вакилларида катта энгилликлар яратилишига хизмат қилади. Зеро, ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам халқ фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА ёзиб олди

да тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 22 фоиздан 20 фоизгача, корхона ва ташкилотлар учун – 14 фоиздан 12 фоизгача ҳамда дивиденд ва фойз қўринишдаги даромадлар учун – 10 фоиздан 5 фоизгача камайтирилади.

Юридик шахслар айланиларидан ундирилаётган давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар бекор қилинади. Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоизлик ҳозирги миқдори сақлаб қолинади, бунда солиқ ҳисобининг тўлақонли тизими жорий этилади, солиққа тортиш базаси аниқлаштирилади, имтиёзлар сони камайтирилади ва 2019 йил якуни буйича ушбу солиқ ставкаси пасайтирилади.

Солиқ солишини соддалаштирилган тартибдаги солиқ тўловчиларга солиқ сифатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилмоқда.

Бундан ташқари, йиллик айланмаси 1 миллион сўмгача бўлган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилади.

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, ўтган йил якуни буйича йиллик айланмаси (тушуми) 1 миллион сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар умум-белгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

Юкоридаги маълумотлар ўрта Чирчиқ туманида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилганининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда тилга олинди. Тадбирда давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси мутасаддилари, туман, шаҳар давлат хизматлари марказларининг раҳбар ва ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрда қабул қилинган "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох

шимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ва 2018 йил 12 июндаги "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармасининг маълумотларига кўра, шу кунгача айрим сабаблар

ТЕЗКОРЛИК ВА ШАФФОФЛИК

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Жорий йилнинг 11 ойи давомида вилоятимиздаги туман, шаҳар давлат хизматлари марказлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 345 минг 437 та хизмат кўрсатилди. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштириш бўйича 41 минг 517 та ариза қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида 8 минг 389 та юридик шахс рўйхатдан ўтказилди. Шунингдек, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйича 45 та маҳалла ва қишлоқларда сайёр тарзда давлат хизматлари кўрсатилди.

Қилиш тўғрисида"ги Фармонига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган эди. "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида иш олиб борган агентлик қисқа фурсат ичида халқ ишончини қозона олди.

Тадбирда сўз олганлар давлат хизматлари марказлари тезкор, қулай ва шаффоф хизмат кўрсатаётгани сабабли аҳолининг ортиқча вақт ва сарф-харажатлари қамайганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбо-

туфайли ўз вақтида туғилганлик ҳақида гувоҳнома ололмаган 419 нафар болага гувоҳномалар расмийлаштирилди. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича ўтказилаётган акция доирасида 17 минг 593 нафар фуқаронинг мурожаатлари қабул қилиниб, уларнинг 2 минг 359 тасига ҳоким қарори чиқарилди.

Тадбир давомида бир нечта болажонларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар ва аҳолига кадастр ҳужжатлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги директори Х. Тўраҳўжаев иштирок этди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ



Ижтимоий эълолар

Конституцияни яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, жорий йил етмиш йиллигини нишонлаётган Инсон

олиб, қаддини ростлаб, юртимизда осойишталик, барқарорлик, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини

Биз Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб беришини, жумладан, унда инсон ҳуқуқи, уни

Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти инс-

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

Хар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Бош Қонундир.

Ҳуқуқий саводхонлик

ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган қоидаларига қатъий амал қилинди.

Бугун Ўзбекистон халқи улуг аждодларининг аъналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига

авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажакни қурмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда. Конституция асосида халқимиз манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар қабул қилишнинг ўзбекона йўли шаклланди, дейиш учун барча асослар маъжуд.

ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини эътироф этишимиз керак. Унинг асосида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнда Ўзбекистоннинг инсонпарвар сиёсатини намоиш этди. Қонунларни инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш механизми такомиллаштирилди.

титутлари шаклланди. Бугунги кунда барча жаҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Истиқлол даврида одамларнинг тушунчаси, тафаккури тубдан ўзгарди. Юрт, Ватан, Миллат,

Мустақиллик тушунчалари тобора улкан мазмун касб этди. Биз унинг куч-қудратини, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ва бутун вужудимиз билан ҳис этамиз. Ишончимизки, Конституциямиз юрт равнақи ҳамда инсон манфаатлари йўлида абадий хизмат қилади.

Фарҳод ҲАЙИТОВ,
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди бош мутахассиси

Тошкент вилоятининг 2018 йил январь-ноябрь ойларидаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида

саноати ва очик қонларда 4,0 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 10,5 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 31,8 фоизга ўсиши ҳисобланади.

2018 йилнинг январь-ноябрь ойи давомида Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 2,0 трлн. сўм миқдориде баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 108,8 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо товар айланмаси жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида 12,5 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизга ўсди.

Шунингдек, вилоят бўйича улгуржи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида 5,5 трлн. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,0 фоизни, овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси эса 0,3 трлн. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизни ташкил этди.

Вилоятда 2018 йил январь-ноябрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,9 трлн. сўмга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,2 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо хизматлари жамия нисбатан 32,8 фоиз, транспорт хизматлари (27,7 фоиз), молиявий хизматлар (10,5 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматларида (4,6 фоиз) кузатилади.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 1 (бир) сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажариш шар-

ти билан сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари "ноль" қийматида қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сасловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
					Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мажбури бўлса)	Объектга қири-тиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестицияни бажариш муддати	Объектга яратил-диган янги иш ўринлари сони
Чиноз тумани								
1	1	Янгиобод идора биноси	Чиноз тумани, Янгиобод ҚФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Мебель махсу-лотлари ишлаб чиқариш	300,00	8 ой	5
2	2	Фойдаланилмаётган қозонхона биноси	Чиноз тумани, 1-кичик ноҳия	Чиноз тумани ҳокимлиги	Темир девор, панжара иш-лаб чиқариш	800,00	8 ой	10
Ангрен шаҳри								
3	1	“Нотураржой биноси”	Ангрен шаҳри, 5/3-даха ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	-	30,00	12 ой	3
4	2	Бўш турган гараж биноси	Ангрен шаҳри, “Янги ҳаёт” МФЙ, 6/3- даха	Ангрен шаҳар ДСЭНМ	-	200,00	12 ой	5
5	3	Бўш турган маъмурий бино	Ангрен шаҳри, “Янги ҳаёт” МФЙ 6/3-даҳаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	-	300,00	12 ой	5
6	4	Автостанция биноси	Ангрен шаҳри, Красногорск кўргони, “Ойдин” МФЙ	Тошкент вилояти бош бе-катлари, йўловчи ва шохбекалари ишлаб чиқариш давлат унитар корхонаси	-	20,00	12 ой	1
7	5	Барак шаклидаги бино	Ангрен шаҳри, Красногорск кўргони	НКМК жанубий кон бошқармаси	-	100,00	12 ой	3
8	6	Ярим ертўла нотурар биноси	Ангрен шаҳри, “Гу-зал” МФЙ, 8-даха, Хоразм кўчаси, 18-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	-	30,00	12 ой	2
Бўқа тумани								
9	1	Бўш турган ноту-раржой (масжид) бино-иншоотлари	Бўқа тумани, “Қўқорсўйган” МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	50,00	12 ой	6
10	2	Нотураржой биноси	Бўқа тумани, Гулистон ҚФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	50,00	18 ой	2
11	3	Бўш турган ноту-раржой (масжид) бино-иншоотлари	Бўқа тумани, “Жўраобод” МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	100,00	24 ой	6
12	4	Бўш турган ноту-раржой (масжид) бино-иншоотлари	Бўқа тумани, “Қорақудук” МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	100,00	18 ой	10
13	5	Собиқ чойхона бино-иншоотлари	Бўқа тумани, “Қўддоштепа” МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	50,00	12 ой	4
14	6	Машина трактор парк ва бино иншоотлари	Бўқа тумани, “Янгиобод” МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	50,00	12 ой	5
15	7	Бўш турган ноту-раржой (масжид) бино-иншоотлари	“Чўлобод” МФЙ, Боғизрам кўчаси	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	50,00	12 ой	5
16	8	Бўш турган ноту-раржой (масжид) бино-иншоотлари	“Чўлобод” МФЙ, Бирлик кўчаси	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	50,00	12 ой	4
17	9	Бўш турган ноту-раржой (масжид) бино-иншоотлари	“Бўстон” МФЙ, Сугдиёна кўчаси	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	80,00	12 ой	5
18	10	Қариялар дам олиш маскани	“Қўддоштепа” МФЙ, Янгиобод кўчаси	Бўқа тумани ҳокимлиги	-	200,00	24 ой	6
Оқдўғрон тумани								
19	1	Колхоз оғбири биноси	“Маданият” МФЙ, Мажнунот кўчаси	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	200,00	11 ой	5
20	2	Собиқ халқ банки жамғарма касса биноси	“Зарафшон” МФЙ, Мустақиллик кўчаси	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	50,00	8 ой	3
21	3	Маҳалла гузари биноси	“Султонобод” МФЙ, “Жағалбойли” маҳалласи	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	50,00	8 ой	3

22	4	Эски маҳалла чойхонаси	"Бойгули" МФЙ, Мураббийлар кўчаси	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	50,00	8 ой	3
23	5	Бўш нотурар дўкон биноси	"Бойгули" МФЙ, Мураббийлар кўчаси	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	15,00	11 ой	1
Оқдўғрон тумани								
24	1	Эски ҳаммом биноси	Оқдўғрон тумани, "Тўштоғ" МФЙ	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	20,00	6 ой	2
25	2	Нотураржой (эски масжид биноси)	Оқдўғрон тумани, "Ялпоқтепа" МФЙ	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	Тикуччилик цехини ташкил этиш	120,00	6 ой	10
26	3	Омборхона бино ва иншоотлари	Оқдўғрон тумани, "Галлақудук" МФЙ	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	120,00	6 ой	12
27	4	Собиқ минерал ўғит сақлаш оғори	Оқдўғрон тумани, "Сусам" МФЙ	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	200,00	6 ой	10
28	5	Маҳалла гузари биноси	Оқдўғрон тумани, "Чинор" МФЙ	Оқдўғрон тумани ҳокимлиги	-	60,00	6 ой	3
Олмалик шаҳри								
29	1	Фойдаланилмаётган лаборатория биноси	Олмалик шаҳри, "ТРЭ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	-	700,00	24 ой	40
Бекобод тумани								
30	1	Собиқ МФЙ биноси	Бекобод тумани, "Ўзбекистон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	125,00	24 ой	6
31	2	Эски ҚФЙ биноси	"Фарҳод" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	1 000,00	24 ой	25
32	3	Собиқ МФЙ биноси	Бекобод тумани, "Қушчи" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	175,00	24 ой	8
33	4	Молхона бино ва иншоотлари	Бекобод тумани, "Шова" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	1 500,00	24 ой	35
34	5	Собиқ почта биноси	Бекобод тумани, "Уяс" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	85,00	24 ой	5
35	6	Эски чойхона биноси	Бекобод тумани, "Богизамол" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	300,00	24 ой	10
36	7	Эски чойхона	"Илгор" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	85,00	24 ой	5
37	8	Собиқ дўкон биноси	"Илгор" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	85,00	24 ой	5
38	9	Собиқ маҳалла идораси	"Фарҳод" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	75,00	24 ой	5
39	10	Эски дўкон биноси	Бекобод тумани, "Қўжон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	50,00	24 ой	4
40	11	Нотураржой биноси	Бекобод тумани, "Истиклол" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	150,00	24 ой	8
41	12	Эски идора биноси	"Қорақўйли" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	100,00	24 ой	8
42	13	Нотураржой биноси	"Олтин водий" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	150,00	24 ой	6
43	14	Собиқ ошхона биноси	Бекобод тумани, Бекобод Агросаноат мажмуаси 4-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	-	-	-
44	15	Собиқ маданият уйи	Бекобод тумани, "Қолғонсир" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	500,00	24 ой	20
45	16	Эски мактаб биноси	Бекобод тумани, "Пахтакор" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	200,00	24 ой	10
46	17	Эски боғча биноси	Бекобод тумани, "Пахтакор" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	-	200,00	24 ой	10

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2018 йил 18 декабрдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кўнига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 га ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли Ишонч телефонлари-га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

БУЮК АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Паркент туманидаги 33-умумтаълим мактабида жаҳон адабиётининг буюк намояндаси, халқимиз учун азиз ва ардоқли сиймо – Чингиз Айтматов буюқнинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Адабиёт – дўстлик элчиси

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, бутун юртимизда бўлган каби, вилоятимиздаги таълим масканлари, маданий-маърифий муассасалар, қорхона ва ташкилотларда буюк адиб ижодига бағишланган адабий кечалар, илмий-маърифий давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ марказ томонидан уюштирилган "Ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чин-

гиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳаммаша миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ижодкорнинг давлатимиз томонидан "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган қароридан Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш, адиб хотирасини абадийлаштиришга қаратилган бир қатор хайрли ишлар доирасида Паркент тумани-

Қадим Ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўнра Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин.
Чингиз АЙТМАТОВ



даги 33-умумтаълим мактабида адиб буюқнинг ўрнатиш кўзда тутилган эди.

Куни кеча Паркентдаги ушбу маърифат даргоҳида суюкли адабимизнинг донишмандона сиймоси акс этган улғувор буюқ тантанали равишда очилди. Шунингдек, таълим даргоҳи улғу адиб номи билан аталадиган бўлди.

Маросимда иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, таникли адабиёт ва санъат намояндalари бу ерда

қад ростлаган ёдгорлик буюқ адибга ҳурмат ва эҳтиромимизнинг юксак ифодаси бўлиш баробарида ёшларни умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, адабиёт оламига хайрихоҳликни жўш урдиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланганлари, дипломатик корпус вакиллари, таникли адабиёт ва санъат намояндalари бу ерда

муҳим аҳамият касб этаётгани, адиб асарларида илгари сурилган гуманизм ва эзгулик ғоялари миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Анжуманда вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар.



Моҳият

Чингиз Айтматов сабоқлари

Дўст ёмон кунда билинади, дейишади. Менимча, уларнинг қандайлиги яхши кунда ҳам билинади.

● Жуда кўп одамлар касалликлар сабаблигина эмас, ўзларини асладигандан кўра улғувор кўрсатиш деган дарди бедаводан ҳалокат топадилар.

● Ошқозон миядан ақллироқ. Чунки у қайт қилишни билади. Мия эса ҳар қандай чиқиндиини қабул қилиши мумкин.

● Муҳаббат бу – ўзинини бошқа одамда йўқотишдир.

● Халқнинг умрбоқийлиги – унинг тили биландир.

● Катта адабиётда умрбоқий мавзулар акс этиши керак.

● Улғу адибларнинг асарларида катта куч бор. Уларни очаркансан, улар ҳам сендаги қирраларни очади.

● Оммавий маданият қанчалик куч-қудратли бўлса, унга шунчалик жиддий қарши курашиш керак. Бунга янги бадий қадриятларни яратиш ва борларини асраб-авайлаш билан эришилади.

● Мен барчага – гарбликларга ҳам, шарқликларга ҳам бирдай тааллуқли мавзуларга қўл уришни истайман.

● Тез оловлашиб кетишдан, бировни айблаш ва жанжал кўтаришдан ўзини тияман. Доим оғир-босиқ бўлишга интиланман.

Ориф ТОЛИБ тайёрлади

Хусусий эълон

Сирдарё педагогика коллежи томонидан "Бошланғич синфларда ўқитиш" йўналиши бўйича 2007 йилда Бектаева Гулзина Джумабековна номига берилган К № 841367-сонли (руйхат рақами 178) бўлган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЯНГИБОЗОРДАН ЯНГИ ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2003-2004, 2005-2006 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мусобақа ўтказилди.

Болалар спорти

Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, қатор ташкилотлар ҳамда "Ешлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада вилоятимиз спортчилари Жиззах, Бухородан келган 120 нафардан ортиқ ёш чарм қўлқоп усталари билан биргаликда рингга кўтарилишди.

Ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида уюштирилган ушбу мусобақада



меҳмон бўлганимдан мамнунман, – дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон ва Олимпиада ўйинлари совриндори Элнур Абдураимов. – Айнан шундай мусобақаларда тобланган ёшлар халқаро турнирларда иштирок этиш учун терма жамоа таркибига сараланади.

– Спорт мактабимизда халқаро бокс федерацияси қоидаларига асосланган

ҳолда мусобақалар ўтказиб турамыз, – дейди мактаб директори Ольга Халикова. – Турнирларда кўшни давлатлардан ҳам ёш боксчилар иштирок этишади. Бугунги мусобақани ташкил этишда тажрибали мураббийлар, фахрий устозларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Қизгин беллашувларга бой бўлган мусобақада Юқори чирчиқлик ёш боксчилар У. Ғайратов, Б. Қамбаралиев, Р. Тагаев, Т. Тагаев, А. Ҳамроев, У. Абдуқодиров, Е. Анорбоевлар рақиблари устидан ғалаба қозониб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа якунида голиблар диплом ва медаллар билан тақдирланишди.

Латифжон МАНСУРОВ

Куюнчак ўқитувчи мактуби

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий бундан юз йил аввал «Муаллим ва муҳаррир жамиятининг икки қанотида», деган эканлар. Бу – жуда топиб айтилган гап. Охириги пайтларда келажақда газеталар қолмиш-қолмаслиги ҳақида мунозаралар бўлиб тургани учунми, беҳтиёр шу гапни эсладим. Айтар гапим кўпلىгидан, ич-ичимдан тўлқинланиб кетаялман, сўзлар қаторлашиб келмоқда. Қайси бирини олдин, қайсинисини кейин ёзишни ҳам билолмаялман. Аммо, бир газетхон сифатида бўлаётган гапларга ўз муносабатимни билдирмасам бўлмайди.

Ўз хоҳиши билан босма нашрларга обуна бўлаётган, кундалик ҳаётини газетасиз тасаввур қила олмайдиган доимий муштарийлар жуда кўп.

Биз сиёсий, ҳуқуқий онги юксак бўлган авлодни тарбиялаётган бир пайтда босма нашрлардан воз кечсак, қандай бўларкин? Газетани орзиқиб кутадиган маънавиятли, маърифатли инсонлар кўп орамизда. Ўзим ҳар куни газеталарни ўқийман, ўз навбатида, интернетдаги тезкор хабарлар билан ҳам танишаман. Улар бир-бирини тўлдирди, шу билан юртимизда, дунёда, қолаверса, ён-атрофимда нималар бўлаётганидан бохабар бўламан.

Асли касбим ўқитувчи. 27 йиллик тажрибам давомида мактаб, коллежда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанларидан дарс ўтганимда уларнинг ёзма нутқини, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уйга ва-зифа қилиб газетадан би-

рорта мақолани ўқиб, унга ўзининг муносабатини ёзиб келишни топшириб қилиб берардим. Кейинги дарсгача ўқувчилар уйларида келган

турли хил газеталардан ўзларига ёққан бирорта мақола ёки очеркни ўқиб, ундан олган таассуротларини, бўлган воқеа ёки хабарга муноса-

батини ёзиб келишарди (айрим зукко ўқувчиларим газетанида учраган имло ва услубий хатоаларни ҳам кўрсатишарди). Уни синфда ўқиб беришарди, ҳамма эшитарди. Шу услубим орқали болаларни газета ўқишга, ижод қилишга қизиқтирдим. Шунингдек, кимнинг уйига қандай газеталар боришини билиб олاردим.

Ҳозир-чи? Ўқувчилар мактабга, коллежга келадиган газета-журналлардан бошқасини билишармикан? Уйларидан газета ўқишармикан? Кутубхоналарда даста-даста бўлиб уюлиб ётган газета тахлamlарини варақлашармикан? Ўқитувчилар-чи? Фақат ўзларига керакли бўлган қарорлар-у фармойишларни кимдир талаб қилгани ёки аттестациядан ўтиш учун ўқишади. Айримлари ўқиб ҳам ўтирмайди, шартта ўша саҳифани расмга олиб, телефонга юклаб қўяди.

Кўча-қўйда, уйда, транспортда, ишхонада одамлар-

нинг телефонга тикилиб ўтиришлари оддий ҳолга айланган. Нимани ўқияпти, нимани кўраяпти, билмаймиз, жумладан, фарзандларимизни ҳам. Сўрасангиз: "Қизиқ нарса бор экан", дейишади. Қизиқ нарсаси эса...

Талабалик йилларимизда Тошкент шаҳрида эрта тонгдан газета-журналлар сотиладиган дўконлар қаршисида одамларнинг турнақатор бўлиб навбатда туриши, газеталардан бир нечасини сотиб олгач, йўл-йўлакай қайси транспортда бўлмасин, турибми-ўтирибми фар-

қи йўқ, ўқиб кетишларини кўрардим. Бугунги телефон ўрнида кўпчиликнинг қўлида газета бўларди. Ишда ҳам бўш вақт бўлди дегунча, бир-бирларига бугунги газетани чиққан хабар ва янгиликни етказишар эди. Ўқиганларини ташлаб юбормасдан, сақлаб қўйишарди. Бу ҳолатни биз тенги катта ёшдагилар жуда ҳам яхши эслашади. Ўша пайтда ҳам телевидение, радио ривожланган эди. Лекин, одамлар учун барибир газетанинг қадри ўзгача эди. Нима учун энди уни йўқотишимиз керак?

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 14 ноябрдаги сонида журналист Воҳид Лукмонов "Обунангиз яхшими, устоз!?" руқни остидаги мақоласида жуда тўғри фикрларни илгари сурибди. Чиндан ҳам, маънавий таназзулдан қутулишнинг йўли – ўқиш. Матбуотнинг вазифаси эса жамиятдаги иллатларнинг илдизини аниқлаш, уларга қарши курашиш, миллатнинг маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларни соф ҳолда асраб қолишдан иборат.

Мана шундай соғлом фикрлайдиганлар бор экан, газеталар яшашда давом этади.

Шоира ХАБИЛОВА,
Оққўрғон тумани

ЎҚИШДАН ТЎХТАГАН ИНСОН ФИКРЛАШДАН ҲАМ ТЎХТАЙДИ



Ҳамкасбимиз Гулжаҳон Ёмғурова:
«Қадрдон «Тошкент ҳақиқати»
Янги – 2019 йилда ҳам бўқалик
газетхонларнинг доимий ҳамроҳи
бўлишига ишонаман!»

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

10 969 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилиш ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ
Алжона АЗИЗОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ